

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 26 кунида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Боғдод” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ахмедова, судья ёрдамчиси Т.Собировнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорнинг ёрдамчиси А.Мустафакулов ва И.Кувондиқов, судланувчи Ш.Р.Жиянов ва унинг химоячиси адвокат А.Яхяев, жабрланувчи С.Турсуенов ва Н.Оқбутаеваларнинг иштирокида, судланувчи Жиянов Шахриёр Рахмонбердиевичга нисбатан бўлган №1-1401-2502/151-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Жиянов Шахриёр Рахмонбердиевич (Jiyanov Shaxriyor Rahmonberdiyevich), 2004 йил 24 февраль куни Самарқанд шаҳарида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, судланмаган, буйдоқ, Самарқанд давлат ВМИЧБ университетининг ифтиодиёт факультетининг 4-босқич талабаси, Самарқанд шаҳари, “Аль-Фаробий” МФЙга қарашли, Жомбой кўчаси 38-уйда яшайди, унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 27 февраль кунида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Жиянов Шахриёр Рахмонбердиевич алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил 26 январь куни Турсунов Сойиб Расулберди ўғли ва Қурбонов Салоҳиддин Султонкул ўғли билан танишиб, уларга ўзини “Консалтинг” хизматларини кўрсатиш фирмаси раҳбари эканлигини, чет элга фуқароларни юбориш ишлари билан шуғулланиб келаётганлигини, яқинда “Венгрия” давлатига бир нечта фуқароларни юборганлиги айтиб, уларнинг виза чиққан ҳужжатларини кўрсатиб, С.Турсунов ва С.Қурбоновларни қизиқтириб, уларга агарда “Словакия” давлатига бормоқчи бўлса, уларга “Словакия” давлатига бориши учун виза қилиб бериб, уларни “Словакия” давлатига юборишлигини, бунинг учун унга ҳар бирларидан 37.236.000 сўмга тенг бўлган 3.000 АҚШ доллари пул бериши кераклигини, бошидан 29.788.800 сўмга тенг бўлган 2.400 АҚШ доллари пул берса, уларга “Словакия” давлатига бориши учун виза қилиб беришини, уч ойда



“Словакия” давлатига юборишини айтиб, қолган 7.447.200 сўмга тенг бўлган 600 АҚШ доллари пулларни виза чиққанидан сўнг беришлари кераклигини айтиб, ваъда қилиб, уларнинг ишончига кириб, 2024 йил 26 январь куни Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 36-уйда С.Турсунов ва С.Қурбоновлардан 39.718.400 сўмга тенг бўлган 3.200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олиб, уларни “Словакия” давлатига юборолмасдан, шу кунга қадар унинг пулларини қайтариб бермасдан, уларнинг пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи Жиянов Шаҳриёр Рахмонбердиевич суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб ўзининг кўрсатмасида, 2024 йил январь ойида Турсунов Сойиб ва Қурбонов Салоҳиддин билан биргаликда келиб, улар четга ишлаш мақсадида “Европа” давлатларига кетиш ниятлари борлигини айтишганликларини, уларга “Словакия” давлатига виза олиб бера олишини ва улар биргаликда “Словакия” давлатига боришларни айтишганликларини, уларга “Словакия” давлатига қисқа муддатли ишга жойлаштириб беришини, ушбу хизмати учун уларнинг ҳар биридан 3.000 АҚШ долларни бўлишлигини ва ҳар бири олдиндан 1.600 АҚШ доллар бўлишини айтганлигини, улар шартига рози бўлишганлиги ва улардан жами бўлиб 3.200 АҚШ долларни миқдоридаги пулларни доллар курсини 12.450 сўмдан ҳисоблаб, улардан 39.840.000 сўм пулларни олганлигини, 26.01.2024 йил улар билан ўзаро шартнома ҳам тузиб олганлигини, уларнинг ҳужжатларни олиб тайёрлаб элчи хонага юборган вақтида, элчи хонанинг тизими ўзгарганлиги, яъни ишламай қолганлигини, орадан ўттиз кун вақтга чўзилганлигини, орадан бир неча ой ўтиб 2024 йил апрель ойининг охирида С.Турсунов ва С.Қурбоновлар норзи бўлиб пулларини қайтариб беришини сўраганликларини, шу орада телефонини ўчириб юрганлигини, чунки одамлар кўп қўғирок қилиб олиб пуллани сўрашганлиги ҳамда соғилигида озороқ муаммолар бўлганлиги сабабли ўчириб қўйганлигини, сўнг улар устидан 2024 йил июнь ойининг бошларида Самарқанд вилоят ИИБнинг 102 рақамига мурожаат қилишганликларини, ИИБ ходими Мусаев Дилмурод чақириб улардан олган пулларини қайтариб беришини сўраганлигини, уларга олган пулларини тўлиқлигича қайтариб берганлигини, уларни 2024 йил давомида юбориши керак бўлганлигини, улардан 600 АҚШ доллари элчи хона харажатлари учун 2.400 АҚШ долларни виза олиш учун бериши керак бўлганлигини, пуллардан ҳужжатлар ва таржимон хизматлари учун маълум қисмини ишлатганлигини, қолган қисмини эҳтиёжлари учун ишлатганлигини, уларни алдамоқчи бўлмаганлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, шу сабабли унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашликни билдириб баёнот берди.

Судланувчи Ш.Р.Жиянов суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби судда сўроқ қилинган жабрланувчи Турсунов Сойиб Расулберди ўғлининг, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил январь бошларида укаси Турсунов Мирсаиднинг таниши Жиянов Шаҳриёр билан Германия давлатининг Мюнхен шаҳрига бориб у ерда бирга ишлаб келишганлигини, у ҳозирги кунга келиб у консалтинг фирма очиб одамларни четга юбораётганлигини айтганлигини, унга Ш.Жияновнинг телефон рақамини берганлигини, шунда синифдоши Қурбонов Салоҳиддин билан



биргаликда Самарқанд шаҳрига Ш.Жияновнинг олдига борганликларини, Ш.Жияновнинг уларга ўзининг Венгрия давлатига юборган одамнинг паспортни кўрсатганлиги ва ҳозирги кунда Словакия давлати одамларни юбораётганлиги, Словакия давлатига бориш учун “Шенген” визасини олиб беришини, бунинг учун ҳар бирдан 3.000 АҚШ доллари пул олишлигини, визаларни 2024 йил март ойининг охиригача олиб беришини, олдиндан 2.400 АҚШ доллари беришларини, элчихонага кириб виза олгандан сўнг қолган 600 АҚШ долларини беришини, агар элчи хонага кирмасдан туриб рад жавобини олса, олган пулида хизматлари учун 600 АҚШ долларини олиб қолиб қолган пулларни қайтариб беришини айтганлигини, улар Ш.Жияновга келишилган пулдан 1.600 АҚШ долларни беришларини, қолган 1.400 АҚШ долларни виза чиққандан сўнг олишини айтганида, у рози бўлганлигини, улар 2024 йил 26 январь куни пулларни олиб келиб Ш.Жияновнинг офисига бориб келишилган пулларни Ш.Жияновнинг қўлига ўзи 1.600 АҚШ доллари ва С.Қурбонов 1.600 АҚШ доллари жами бўлиб 3.200 АҚШ долларини Ш.Жияновнинг қўлига берганликларини, у пулларни санаб олиб улар билан ўзининг фирмаси ўртасида шартнома имзолатганлигини, улар унга керакли бўлган ҳужжатларни берганликларини ва уйга қайтиб келганликларини, тахминан 25 кунлар ўтгач Ш.Жиянов телеграм ижтимоий тармоғи орқали унинг номига Словакиянинг фирмасидан ишга келиши тўғрисида таклифнома келганлигини ташлаб берганлигини, шериги С.Қурбоновга ҳам келганлигини айтганлигини, лекин ушбу таклифномани кўрсатмаганлигини, лекин уни элчихонага киргизолмаганлиги ва навбат ҳам олиб беролмаганлигини, сўнг у турли бахоналар қилиб алдаб юрганлигини, 2024 йил май ойининг бошларига келиб “Литва” давлатига виза олиб беришини айтганида алдаётгани билиб рад жавобини берганликларини ва берган пулларни қайтариб беришни сўраганликларини, у унга ва ўртоғи С.Қурбоновга 400 АҚШ доллари берганлигини, қолган пулларни беришини сўраган вақтида, ҳозирда шароити йўқлиги, келгусида беришини айтганлигини, 15 кунлар ўтгач С.Қурбонов ва унга пул зарур бўлганлиги учун Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасида жойлашган Ш.Жияновнинг офисига борганликларини, Ш.Жиянов минусга кирганлиги, пулларни қайтаришни, имкони йўлигини, пулларни қайтармаслигини уни урса ҳам пул йўқлиги, хоҳласа устидан Самарқанд вилоят ИИБнинг 102 рақамига мурожаат қилиши мумкинлигини айтганлигини, хонадан чиқиб кетиб қўнғироқларига жавоб бермаганлигини, 2024 йил 29 май куни Самарқанд вилоят ИИБнинг 102 рақамига мурожаат қилиб Ш.Жиянов уни ва дўсти С.Қурбоновни Словакия давлатига юборишини айтиб улардан 3.200 АҚШ долларни олганлиги, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юбориб пулларни қайтариб бермаётганлиги, Ш.Жияновга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраганлигини, бир ҳафтадан сўнг Ш.Жиянов уларни чақирганлигини ва С.Қурбонов билан борганида олган пулларини тўлиқ қайтариб берганлигини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Оқбутаева Назокат Ибрагимовна ўзининг кўрсатувида, судда сўроқ қилинган жабрланувчи С.Р.Турсуновнинг кўрсатувларини тўлигача тақдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатув



бериб, ўғли С.Қурбонов ҳозирги вақтда ишлаш учун чет элга кетганлигини, Ш.Жиянов ўғли С.Қурбонов ва синфдош ўртоғи С.Турсуновларни Словакия давлатига ишлаш учун ва “шенген” виза олиб беришни ваъда қилиб, ҳар бирдан 1600 АҚШ доллари олганлигини, жами ўғли С.Қурбонов ва С.Турсунов 3000 АҚШ доллари беришлари лозим бўлганлиги ва қолган пулларни виза олганидан кейин беришлари лозим бўлганлигини, бироқ Ш.Жиянов ўғли С.Қурбонов ва С.Турсуновни алдаганлигини, пулларни олиб ишни бажармаганлигини ва пулларни ҳам қайтариб бермаганлигини, шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилинганлигини, ҳозирги вақтда Ш.Жиянов ўғли С.Қурбонов ва С.Турсуновга пулларни тўлигача қайтариб берганлигини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Шунингдек, судланувчи Ш.Р.Жияновнинг айби жиноят иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ва суд терговда таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни жабрланувчининг оғзаки аризаси ва ариза юзасидан олинган тушунтириш хатлар ҳамда шартномалар билан, жабрланувчиларнинг пулларни қайтариб олганлиги тўғрисидаги икки дона аризалари билан, ҳужжатларни далилий ашё сифатида эътироф этиш ва уларни жиноят ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарори билан, сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, тергов органи томонидан Ш.Р.Жияновнинг ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.06.2023 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 3-моддасида “фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради” деб кўрсатилган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ш.Жиянов жабрланувчи С.Қурбонов ва С.Турсуновларга бир вақтнинг ўзида уларни Словакия давлатига ишга юборишлиги ва “шенген” виза олиб бериш учун жами ҳар бирдан 3000 АҚШ доллари, олдиндан эса 2024 йил 26 январь куни ҳар бирдан 1600 АҚШ доллари миқдордаги пулларини олиб, ишни бажармасдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилинганидан кейин ҳар бирига 2024 йил 19 июнь куни пулларини тўлигача қайтариб берилган.

Бундай ҳолда, судланувчи Ш.Жиянов жабрланувчи С.Қурбонов ва С.Турсуновларнинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин



қўлга киритган деб ҳисоблаб, унинг мақсади ушбу пулларни такроран эмас, балким умумий қасд ва ягона мақсадга йўналтирилганлиги кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кунидаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 16-банди биринчи хатбошисида “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида фирибгарлик, яъни такроран ёки хавфли рецидивист томонидан алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддасида, “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларда назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этган деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиикасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади”-деб;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 2-қисмида “илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, [Махсус қисмининг](#) бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.” деб кўрсатилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ш.Р.Жиянов, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Словакия давлатига ишга жўнатиш масаласида ўзига ёрдам сўраб мурожаат қилган С.Қурбонов ва С.Турсуновларга хорижга кетиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларини расмийлаштириб, тўғирлаб бериш орқали Словакия давлатига яшаш ва ишлашга жўнатишга ваъда бериб, 2024 йил 26 январь куни бир вақтнинг ўзида С.Қурбонов ва С.Турсуновлардан Ўзбекистон сўмига ҳисобланганида ҳар биридан 19.859.200 сўмга тенг бўлган 1.600 АҚШ доллари пулларни Самарқанд



шаҳри, Гагарин кўчаси 36-уйда олиб, мазкур пулларни ўзининг шахсий манфаатларига ишлатиб юборган.

Судланувчи Ж.Р.Жиянов, икки нафар фуқаронинг пулларини фирибгарлик йўли билан олиб шахсий манфаатларига ишлатиб юборган бўлсада, бироқ унинг қилмиши умумий қасд ва ягона мақсадга йўналтирилган давомли жиноят хусусиятига эга, жиноят бир вақтда содир этилган бўлиб, гарчанд икки нафар шахс жабрланувчи деб эътироф этилган бўлсада келишув бир вақтда бўлган ва бир вақтнинг ўзида олинганлигини кўринади, шу сабабли у ушбу жиноятни такроран содир этган деб баҳолаб бўлмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунидаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 7-бандида “Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади” деб, 20-бандида, “Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкани анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъий назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, анча, кўп ёки жуда кўп миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак деб кўрсатилган.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган айб эълон қилиш қарори ва айблов хулосасида, судланувчи Ш.Жиянов 2024 йил 26 январь куни жабрланувчи С.Қурбонов ва С.Турсуновларни Словакия давлатига ишлаш учун ва “шенген” виза олиб бериш учун ҳар биридан 3000 АҚШ доллари пулларини талаб қилиб, шундан ҳар биридан 1600 АҚШ доллари миқдордаги пулларни олиб, қолган қисмини кейинчалик олишини айтиб, фирибгарлик жиноятини охирига етказа олмаган.

Шундан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Р.Жияновнинг ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандидан, ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишликни лозим деб топади.

Суд, судланувчи Ш.Р.Жияновнинг айбига иқроп бўлиб пушаймонда эканлиги, зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини ва жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Ш.Р.Жияновга жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида



“етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 16-бандидаги, “Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозим” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, ҳамда 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътирофли кўрсатмаларга риоя қилиб, унинг шахсини, ёшини, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарни қоплаб берганлигини ва зарар мавжуд эмаслигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъволари йўқлигини, содир этган ижтимоий хавfli қилмишини инобатга олиб, унга нисбатан содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини тадбиқ қилиб, ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазоси тайинлашликни, жарима миқдорини ЖКнинг 13-моддасидан келиб чиқиб жиноят содир этилган вақт (2024 йил январь ойи)да амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори (340.000 сўм)дан келиб чиқиб белгилашни, унинг унга қўлланилган “таров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Суд, жиноят иши юзасидан ашёвий далил сифатида эътироф этилган 26.01.2024 йилдаги икки дона шартномалар, пулларни қайтариб олганлиги тўғрисидаги икки дона аризалар ва юзлаштириш баённосини жиноят иш материаллари билан биргаликда сақлаб келишликни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454,457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади, –

Ҳ У К М :

Судланувчи **Жиянов Шахриёр Рахмонбердиевич** (Jiyanov Shaxriyor Rahmonberdiyevich) ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини тадбиқ қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари миқдорида яъни 17.000.000 (ўн етти миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.



Жиянов Шахриёр Рахмонбердиевичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров сифатида қабул қилинган 8.000.000 (саккиз миллион) сўм миқдордаги пуллар унинг ўзига қайтариб берилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган 26.01.2024 йилдаги икки дона шартномалар, пулларни қайтариб олганлиги тўғрисидаги икки дона аризалар ва юзлаштириш баённосижиноят иш материаллари билан биргаликда сақлаб келинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

/имзо/

З.Ахмедова

“аслига тўғри”

**Жиноят ишлари бўйича Самарқанд
шаҳар судининг судьяси:**

З.Ахмедова

